# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@sand.uz ● 2002 йил 20 август, 172 (3000) Сешанба


*Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган "Ўзбекистон — Ватаниим маним" қўшиқ байрами танлови якунланди.*

*Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида мазкур танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим ва гала-концерт бўлиб ўтди.*

## Ватанни куйлаш бахти

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва еттинчи марта ўтказилаётган мазкур танлов келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватанни, истиқлолни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларнинг юзага келишига кенг имконият яратганини таъкидлади. Негаки, бутун мамлакатнинг бекиёс саҳнаси бўлиб хизмат қилаётган бу байрам, нафақат янги асарларни, балки қўшиқчилик санъатида ўз мухлисларининг меҳр-муҳаббатини қозона олаётган умидли истеъдодларни кашф этмоқда.

Байрамда профессионал хонандалар билан бир қаторда, ёши ва касбу коридан қатъий назар, она-диёримизни мадҳ этиш истагида бўлган кўплаб истеъдодлар, мактаб ўқувчилари, талабалар, ҳарбийлар иштирок этди. Бу галги танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар вакиллари билан бирга Маданият ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси жамоалари ҳам фаол қатнашди.

Бу йилги танловга тақдим этилган Ватанни улуғловчи мусиқа асарлари ўзининг жўшқинлиги, миллийлиги, кўтаринки руҳи, жозибадорлиги билан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ранг-баранг рақслар эса уларга ўзгача файз бахш этди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг бадиий мусиқий жамоасининг А.Назаров мусиқаси ва А.Обиджон шеъри билан айтилувчи "Юртга биздек авлод керак" қўшиғи биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

Бухородаги ахборот ресурслари марказида халқаро I*EARN лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мазкур марказ 2001 йил сентябрь ойида халқаро таълим ташкилоти — IREX билан ҳамкорликда Бухоро шаҳрида интернетга чиқиш марказини очган эди. Унинг интернет тармоғини ривожлантириш, ёшларда халқаро алоқа воситасига қизиқишни кучайтириш, компьютер саводхонлигини ошириш бўйича лойиҳаси АҚШнинг IREX ташкилоти грантига сазовор бўлди. Ҳозир бу ерда қизиқувчилар интернет имкониятларини ўрганмоқда.

— I*EARN — интернет ёрдамида жаҳоннинг 80 дан зиёд мамлакати ўқитувчи ва ўқувчиларини бирлаштирувчи нотижорат таълим ташкилотидир, — дейди марказ вакили Шавкат Муҳиддинов. — "Дунёни янада яхшилаш учун бирлашайлик" шиори остида фаолият юритаётган ташкилот ҳамкорликдаги лойиҳалар устида ишлаётган ўқитувчи ва ўқувчиларни интернетдан фаолроқ фойдаланишга ўргатади. Шунингдек, у ўз олдига ёшларга ҳаётни яхшироқ англатиш, уларга ижодий ва илмий ишларда кўмаклашиш, жаҳонда таълим ролини кучайтиришни мақсад қилиб қўйган.

Маросимда журналистлар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар вакиллари, ўқитувчилар ва ўқувчилар I*EARN фаолиятидан шунчаки хабардор бўлибгина қолмай, лойиҳа устида ишлаётган хориждаги ҳамкасблари билан интернет орқали мулоқотда бўлди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

# ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

*Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа, сониялар бизни энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг қутлуғ кунлари сари яқинлаштиряпти. Мамлакатимизнинг ҳар жабҳасида тўйга ҳозирлик қизғин олиб боriляпти. Зеро, бугун мустақил Ўзбекистон фуқаросиман, деган ҳар бир кишининг қалбида қувончу эҳтиросга тўла туйғулар жўш ургай.*



Чунки ўтган қисқа вақт ичида кўп ютуқларга эришдик. Иқтисодиётни мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни қарор топтириш, озод Ватанимизни ғанимлардан авайлаб-асраш, кишиларимиз онгида катта ўзгаришлар ясаб, янгича тафаккурни шакллантириш, айниқса, ёш авлодни аждодлар мероси, миллий қадриятлар ва замон руҳига мос тарбиялаб вояга етказиш... Бу рўйхатни яна кўплаб мисоллар билан бойитиш мумкин. Қисқаси, асрлар мобайнида ҳурриятни орзу қилиб келган халқимиз бугун ўз иродасини, салоҳиятини намоён этмоқда.

Ҳар сафаргидек юртимиз узра шодон тараладиган байрам тантаналари Мустақиллик майдонидан бошланади. Шу кунларда майдон байрамга ороланяпти, безаняпти. Шодиёналарда қатнашувчи бадиий дасталар, спортчилар, болажонларнинг бу ердаги тайёргарликлари авжида. Бир томонда зоминлик «Сайқал жилоси» дастаси қатнашчиларининг куйқўшиққа мос рақсларидан кўз қувонса, яна бир томонда Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлиснинг IX сессияси олдидан

*Реклама. У телеэкранда бериладими ё босма нашрдами, истасак-истамасак, ҳамма кўради ва ўқийди. Бинобарин, бу ишда, энг аввало, истеъмолчи қизиқиши ва манфаатларини ҳисобга олмоқ лозим. Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритилаётган «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ана шу жиҳатлари билан эътиборни тортади.*



## Оммабоп ва ҳаммабоп бўлсин

Қонун лойиҳасининг асосий моҳияти нимада? У қандай мақсадларни кўзда тутади?

— «Реклама тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти, — дейди суҳбатдошимиз Наманган вилояти матбуот ва ахборот агентлиги ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдурашид Юнусов. — Сабаби, мазкур ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан буён ўтган тўрт йил мобайнида биз реклама тайёрлаш ва тарқатишда тажриба орттирдик. Эндиликда, бу ишнинг ўзига хос механизми шаклланди. Бунга халқимизнинг менталитетидан келиб чиқиб ёндашиш зарурлиги аёнлашди.

Қонуннинг янги матнида тамаки ва алкоголли ичимликлар рекламаси билан боғлиқ аввалги 23-моддадан воз кечилган. Боиси, телевидение ва газеталар орқали берилаётган шу мазмундаги тарғибот-рекламалар ва уларнинг маънавий зарари кўпчиликда жиддий ташвиш туғдираётгани аниқ эди. Мана, ниҳоят бу ҳолга чек қўйиладиган бўлди.

Лойиҳадаги бошқа ўзгариш ва қўшимчалар ҳам ҳаётийлиги билан эътиборни тортади. Масалан, ойнаи жаҳон орқали реклама қилаётганда сухандон овозига алоҳида тус

(Давоми 2-бетда).

Ўқинг!

**Ғайбулла қандай қилиб Ғайбуллабой бўлди.**

2-бет

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

***«Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда давлат корхоналари нодавлат корхоналари билан рақобатга дош беролмаяпти. Зарар кўриб ишлаётган ва самарадорлиги паст корхоналарнинг аксарияти айнан давлат корхоналари ёки давлат улуши юқори бўлган акциядорлик жамиятлари экани ҳам буни амалда тасдиқлаб турибди.»***

(Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан).

## ЖАР ЁҚАСИДА

### турган корхоналарни ҳалокатдан ким қутқаради?

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос темир қонунлари бор. Юртбошимиз таъкидлаганидек, энг аввало, янгича шароитда ишлашга ўтаётган жамоа ва корхоналар бозор иқтисодиёти шароитлари ва талабларига мослашиши, чинакам соғлом рақобат муҳитида ишлашни ўрганиб олишлари, чет мамлакатларнинг маблағ ва технологияларини олиб келиш йўлларини қидиришлари лозим бўлади. Бу талабларни ўзлаштира олмаганларни эса секин-аста бозор қонунлари ўз-ўзидан четга суриб чиқариб қўяди. Яқинда Фарғона вилоят фаолларининг йиғилишида вилоятдаги 8 та корхона иқтисодий ночор корхоналар қаторидан ўрин олиб, жар ёқасига келиб қолганлиги рўйи-рост танқид қилинганини бунинг далилидир.

Ана шу жамоаларнинг тенг ярми мулкда давлат улуши юқори бўлган корхоналардир. Балки сиз бу корхоналарни стратегик аҳамиятга эга бўлган, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари, деб ўйлаётган бўлсангиз, хато қиласиз. Уларнинг аксарияти «Ўзбеккоммуналхизмат» агентлиги тасаруфига қарайди. Айнан шу тизимда мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ишлари бошқа тармоқларга нисбатан анча эрта бошланганди. Мазкур агентликнинг вилоятдаги иккита корхонаси — «Фарғонатроллейбус» бошқармаси ҳам иқтисодий ночор корхоналар қаторига тушиб қолди.

Фарғона кўчаларида троллейбус қатнови йўлга қўйилганига чорак асрдан ортди. Дастлаб йўловчилар шаҳар йўналишидаги бу қулай транспорт воситасидан фойдаланишган бўлса, кейинчалик «Қиргули» мавзеи ҳамда Марғилоннинг «Ипакчилар» шаҳарчаси орасида ҳам қатнов йўлга қўйилди. Истиқболда Кувасой шаҳрига ҳам қатновни йўлга қўйиш режалаштирилган эди.

Афсуски, яхши мақсадларда иш бошлаган корхонада секин-аста ишлар ортга кета бошлади. Дастлаб корхона раҳбарлари уқувсизлик, ноқобилликда айбланиб, тез-тез алмаштирилди. Сўнгра эса иқтисодий аҳволни таҳлил қилишга киришиб кетилди. Бироқ ўтган йиллар давомида ҳеч ким корхонада мулк шаклини ўзгартириш, уни давлат тасарруфидан чиқариш, паркни замонавий, жаҳон андозаларига жавоб берадиган троллейбуслар билан алмаштириш ҳақида жиддий бош қотириб кўрмади.

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги хабарлар

## Ипак толаси сифатига эътибор

Мамлакатимиз ипакчилик тармоғи олдида табиий ипакдан тайёрланадиган маҳсулотларни янада кўпайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш вазифаси турибди. Бу эса пилла маҳсулдорлиги ва сифатини ошириш, ундан тайёрланадиган ипак калавалари, газламаларнинг жаҳон бозори талаблари даражасида бўлишини тақозо этади.

Ўзбекистон Ипакчилик илмий-тадқиқот институти олимлари кейинги йилларда ипак қуртининг янги, мамлакатимиз табиий-иқлим шароитига мос, сермаҳсул зотларини яратиш устида изчил тадқиқотлар олиб бормоқда.

— Яратилаётган янги зотлар ҳаётчанлиги, пилласи таркибидаги ипак миқдорининг юқорилиги билан ажралиб туради, — деди мазкур институт лабораторияси мудири У.Насириллаев ЎзА мухбирига. — "Ўзбекистон-5", "Ўзбекистон-6", "Турон-1" сингари зотлар пилла толасининг узунлиги бир ярим минг метргача етади.

Турли ассортиментдаги газламаларни тўқишда ипак толасига муайян талаб қўйилади. Масалан, костюмбоп, духоба, газламалар учун толаси бўлиқ ва ипаги пишиқ пилла талаб этилади, юпқа ва нафис газламалар учун эса тола ниҳоятда нафис ва ингичка бўлиши даркор. Мисол учун институтда яратилган "Барака" дурагайи ўраган пилла толасидан қалин газламалар тўқиш мумкин.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**



## Қабул пунктлари мавсумга шай

*Пахтакорлар учун ҳосил йиғиш мавсуми яқин. Шу боис ҳам жойларда пахта тозалаш корхоналари, пахта қабул қилиш пунктларида янги ҳосилни қабул қилиш учун тайёргарлик ишлари қизғин. Айниқса, жарқўрғонликларнинг бу йилги шашти бўлакча. Улар ҳозирга қадар барча цехлар ва зарур техника воситаларини тўлиқ таъмирдан чиқардилар. Корхонага қарашли "Бандихон", "Боботоғ", Ойбек номли пахта қабул қилиш пунктларида ҳам ишлар кўнгилдагидай бажарилмоқда.*

**СУРАТДА: чилангарлар Тожи Матмуродов ва Тожимурод Мавлоновлар мавсумолди таъмирлаш ишларида иштирок этганликларидан мамнун.**

**И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

*Миллий матбуот марказида телевидение, радио, газета ва журналлар, ахборот агентликлари иқтисодий мавзуларни ёритишга ихтисослашган журналистларининг малакасини ошириш учун ташкил этилган икки кунлик семинар-ўқиши бўлиб ўтди.*

## ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

Жамият ҳаётига бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари қанчалар кенг жорий этилса, аҳолининг бу тизим мазмун-моҳиятини чуқур англаб, унга тезроқ мослаша бориши учун ҳаққоний ахборотга шунча кўп эҳтиёж туғилади. Қолаверса, халқимизда "Аввал таом, кейин калом" деган пурҳикмат мақол бор. Бу инсон нафақат ўз оиласи, балки ўзи яшаётган мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи, унда юз бераётган ўзгаришлар моҳиятини ҳам теран тушуниб, эртанги кун учун режалар белгиламоғи лозим, деганидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳузурида 2003 йил республика давлат бюджети лойиҳасининг муҳокамасига бағишлаб куни кеча ўтказилган йиғилишда бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимиз мазкур муҳим масалалардан оммани ўз вақтида ва тўла-тўкис хабардор этиш, иқтисодиёт билан боғлиқ тушунчалар, уларнинг амал қилиш механизмлари, жумладан, давлат бюджети,

(Давоми 2-бетда).

## Фахриддин полвонга Президент «Нексия»си

*Ўтган шанба ва якшанба кунлари белбоғли кураш ишқибозларининг нигоҳи дилбар Фарғонага қаратилди. Бу ерда илк бора белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун I Халқаро турнир ўтказилди. Халқимиз орасида фарғонача кураш деб эътироф этилган мазкур спорт тури тобора жаҳондаги нуфузли кураш мутахассислари, мухлислари эътиборини тортаяпти.*

Белбоғли кураш

Илк халқаро турнирда Ўзбекистон Республикаси полвонларидан ташқари Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Россиянинг Екатеринбург, Санкт-Петербург шаҳарлари, Татаристон Республикасидан белбоғли кураш усталари иштирок этганликлари ҳам мусобақага қизиқиш нақадар катта бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Фарғона стадиони узра Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янграйди. Турнирда қатнашаётган 9 жамоа сардорлари юртимиз байроғини кўтаришди. Мусобақада иштирок этаётган 70 дан зиёд курашчилар эса қўлларини кўксиларига қўйиб беллашувда фақат ҳалол, белбоғли курашнинг азалий анъаналари остида курашишга ваъда бердилар. Халқимизнинг қадимий анъаналарига биноан турнирни кураги ер кўрмаган кекса курашчи отахонлар бошлаб беришди.

(Давоми 2-бетда).

## «БИЛИМ»ДА ИШ ҚИЗҒИН

Янги ўқув йили бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Ота-оналар фарзандларини мактабга шайлаш билан овора. ЎзА мухбирига қорақалпоқ тилида дарсликлар чиқарадиган "Билим" нашриётидан маълум қилишларича, 2002-2003 ўқув йили учун 78 номда 510 минг 600 нусха дарслик, кутубхоналар жамғармаси учун 180 миллион сўмлик адабиёт чиқариш режалаштирилган. Шу кунга қадар 30 номда 214 минг нусхадан зиёд дарслик чоп этилди.

Янги ўқув йилида Қорақалпоғистонда Осиё тараққиёт банки ҳисобидан 9-синф ўқувчилари учун дарсликлар бепул тарқатилади. Республика ҳудудида ташкил этилган "Мактаб бозорлари"нинг барчасида болажонлар учун зарур дарсликлар, ўқув ашёлари етарли бўлишини таъминлашга ҳаракат қилиняпти.

**А.ОРТИҚБОЕВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 20 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 420,48 | 1 Канада доллари | 493,64 | 1 ЕВРО | 758,82 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1187,23 | 1 Хитой юани | 93,01 | 10 Жанубий Корея вони | 6,4 |
| 1 Дания кронаси | 102,21 | 1 Малайзия ринггити | 202,61 | 10 Япония иенаси | 64,25 |
| 1 БАА дирхами | 209,61 | 1 Польша злотийси | 184,61 | 1 Россия рубли | 24,39 |
| 1 АҚШ доллари | 769,83 | 1 СДР | 1019,82 | 1 Украина гривнаси | 144,46 |
| 1 Миср фунти | 155,73 | 1000 Туркия лираси | 0,47 | | |
| 1 Исландия кронаси | 9,03 | 1 Швейцария франки | 517,95 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Оммабоп ва ҳаммабоп бўлсин

(Давоми. Боши 1-бетда).

бермаслик, уни ортиқча бўрттирмаслик, балки давом этаётган кўрсатув билан бир хил маромда намойиш этиш зарурлиги белгиланган. Менга қолса, бир кўрсатув орасида айрим реклама ва эълонларни такрор-такрор бериш масаласини ҳам ўйлаб кўриш зарур. Бу очиғи, томошабиннинг ғашига тегади.

Энди реклама ва эълонлардаги миллий руҳ ҳақида. Очиғини айтадиган бўлсак, уларнинг асосий қисми юртимизга хориждан келтирилган товарлар ёки қўшма корхоналарнинг маҳсулотлари тарғиботига йўналтирилган. Айтайлик, янги шампун ва кир ювиш воситалари, резина сақич ва ширинликлар, машина двигателлари учун мўлжалланган мойлар... Уларни томоша қилар экансан, «Ўзимизнинг корхоналар ҳам ишлаяптимикин?» дея ўйланиб қоласан, киши. Тўғри, бозорларимиз бежирим буюмларга тўлаётгани яхши, аммо таклиф этилаётган ўша маҳсулотларнинг сифати чиндан ҳам мақтайдиган даражадами? Бунга кафолат қани? Мисол учун, мен ойнаи жаҳонда «Хонатлас» газламалар шоҳи, кийинг, танангиз роҳат қилади!», «Саховатли ўзбек заминида етилган қирмизи олмадан татиб кўрдингизми?», «Миллий каштачилик анъаналари» мавзуидаги рекламаларни кўришни жуда-жуда истар эдим. Ёки бўлмаса, ижтимоий рекламалар ҳақида. Улар, шубҳасиз, халқимиз маданий-маърифий даражасини юксалтиришга хизмат қилади. Аммо зангори экранда кичик болакайнинг отахон қўлидан тугунни олиб, унга кўмаклашгани тасвирланган («Қарияларни қадрлаш йили»га оид) лавҳадан бошқа бундай йўналишдаги рекламани кўрмаймиз. Ваҳоланки, бизда атроф-муҳит муҳофазаси, соғлиқни сақлаш борасида реклама қилса арзийдиган тажриба ва тавсиялар камми?

Реклама — уни берувчи ва ёки тарқатувчигагина тааллуқли бўлган хусусий ҳодиса эмас. Бунинг ортида кўп миллионли томошабин ёки тингловчи турганлигини унутмаслик даркор. Янги ўзгартириш ва қўшимчалар билан бойитилган лойиҳа парламент муҳокамасига ҳавола этилмоқда. Унинг қабул қилиниши ўз навбатида тарғибот воситаларида ҳаммабоп ва оммабоп рекламалар кўпайишига ҳуқуқий имконият яратиши, шубҳасиз.

**«Халқ сўзи» мухбири Қудратилла НАЖМИДДИНОВ ёзиб олди.**

# Водийда давра суҳбати

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари меҳнаткашлари ҳузурида "Мустақиллик ва маънавият" мавзуида туркум маърузалар ва давра суҳбатлари ўтказди. Асака шаҳри фаоллари, Андижон шаҳар банклари ходимлари, Наманган шаҳри маҳалла аҳли ва ишчилари, Данғара туман меҳнаткашлари ҳамда Фарғона вилоят банклари ходимлари ўртасида ўтказилган учрашувлар, давра суҳбатларида маънавият тарғиботчилари мамлакатимизда ўн бир йил давомида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқларни аниқ таҳлиллар, ҳаётий ўзгаришлар мисолида тушунтириб берди.

Хусусан, "Мустақиллик ва қадим мерос", "Истиқлол ва Ватанга муносабат моҳияти", "Ижтимоий тараққиётнинг мафкуравий асослари", "Давлатимиз рамзлари - муқаддас" каби мавзуларидаги маърузалар меҳнат аҳлини бефарқ қолдирмади. Ҳар бир маъруза баҳс-мунозараларга айланиб, турли касб эгалари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Икки томонлама баҳс-мунозара асосида ўтган ушбу очиқ мулоқотлар шуни кўрсатдики, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган фуқаролар миллий мустақиллигимиз моҳиятини тобора теранроқ англаб, яратувчилик ишларида фаол иштирок этмоқда. Мустақиллик олий неъмат эканлиги ҳар бир ўзбекистонликнинг дилида ва амалий ҳаётида янада равшанроқ намоён бўлмоқда.

Айни айтда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илм-фан намояндаларидан иборат жамоатчилик гуруҳлари истиқлол йилларидаги ислоҳотлар мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирларни республиканинг барча вилоятлари, шаҳар ва туманларида давом эттирмоқда.

# Тасаввуф ва замон

*Куни кеча Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида республикамизнинг шарқшунос олимлари, таниқли уламолари, шунингдек, мазкур ўқув даргоҳининг ўқитувчи ва иқтидорли талабалари иштирокида тасаввуф манбаларини ўрганишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.*

Анжуманда "Тасаввуф таълимотида мутаассибликдан холи комил инсон сиймоси", "Нақшбандийликда яратувчанлик ва дунёвийлик моҳияти", "Темурийлар даврида сўфийлик ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт", "Агиографик асарларда етук инсон сиймосининг тасвирланиши", "Тасаввуф манбаларини ўрганиш муаммолари", "Маҳмуд Замахшарий асарларида тасаввуф ғоялари талқини" каби мавзуларда фикр алмашилди.

Ўзбекистон тарихининг Уйғониш даврида тасаввуф маърифий, илмий моҳият касб этиб, ўша пайтдаёқ авж ола бошлаган фирқаларга бўлиниш ҳамда мутаассибликка қарши чиқди. Мазкур ғояларни халқ оммасига сингдиришда, фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. XI асрдан бошлаб Шарқнинг деярли барча таниқли ижодкору олимлари тасаввуфдан озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар. Тасаввуф таълимоти инсон руҳияти, ички олами, ҳислари парвозини ифодалаб, Шарқ фалсафий тафаккурида муҳим ўрин эгаллаган эзгу ғоялар, ҳикматлар мажмуидир.

Анжуманда таъкидланганидек, ҳар қандай таълимот сингари тасаввуф ғоялари ҳам ўзи пайдо бўлган давр дунёқараши, қадриятлар силсиласини ифода этади. Шу маънода мазкур таълимотнинг барча қарашларини бугунги кунга татбиқ этиш, уларга кўр-кўрона амал қилиш ҳам ўзини оқламайди.

Тасаввуф бир томондан диний, иккинчи томондан, фалсафий-ирфоний қарашлардан озиқланган ўзига хос таълимот экан, унга замонамиз руҳидан, XXI аср кишиси маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ижодий ёндашиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

**(ЎзА).**

# Фахриддин полвонга Президент «Нексия»си

(Давоми. Боши 1-бетда).

I Халқаро турнирда халқимизнинг миллий ғурури бўлган фарғонача курашнинг ўзига хос тарихи, халқимиз маданиятида тутган ўрни, қадриятларни қайта тиклаш ва янада ривожлантириш борасидаги роли ҳақида алоҳида фахр-ифтихор билан гапирилди. Уч минг йиллик тарихга эга бўлган мазкур спорт тури дунёдаги 20 дан зиёд миллатни ўз сафига бирлаштирган. Биргина Фарғона вилоятининг ўзида шу спорт билан муттасил шуғулланаётганлар сафи ўн мингдан зиёддир.

Мусобақа муросасиз курашларга бой бўлди. Дастлаб 7 вазн тоифаси бўйича ғолиблар аниқланди. 60 кг курашчилар ўртасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Мадаминжон Салимов, 66 кг вазнда фарғоналиклар вакили Валишер Каримов, 73 кг вазнда яна бир ҳамюртимиз Шуҳрат Исанов, 81 кг вазнда эса Татаристондан ташриф буюрган Равил Ахмедхонов, 90 кг вазнда туркманистонликлар вакили Чори Жуманов, 100 кг вазнда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Фахриддин Болтабоев, 100 кгдан зиёд вазнда эса россиялик полвон Михаил Старковлар шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилдилар.

Шундан сўнг халқаро турнирнинг мутлоқ чемпионини аниқлаш учун мусобақалар бўлиб ўтди. Низомга кўра, мутлоқ ғолиблик учун 81 кгдан юқори вазнда бўлган полвонлар ўз хоҳишлари бўйича қатнашдилар. Бу мусобақаларда 32 та полвон, яъни турнирда иштирок этаётган курашчиларнинг деярли тенг ярми қатнашиш истагини билдирди. Чинакам полвонларга хос иштиёқ билан ўтказилган мусобақалар ярим тунгача давом этди. Финал учрашувида Боғдод туманилик Ўрта Осиё ва мамлакатимизнинг бир неча бор мутлоқ чемпиони Фахриддин Болтабоев ҳамда Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидан Ҳамроқул Каримовлар юзма юз бўлишди. Қизғин беллашувларга бой бўлган басмабасда Фахриддин Болтабоевнинг қўли баланд келди. Унга I Халқаро турнирнинг мутлоқ ғолиби, деган шарафли ном билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринини — «Нексия» автомобили тантанали равишда топширилди.

Мусобақалардан сўнг Россияда хизмат кўрсатган спорт устаси Равил Ахметхонов билан суҳбатда бўлдик.

— Мен дзю-до, самбо, кураш турлари билан 20 йилдан бери шуғулланаман. Белбоғли кураш татар халқининг миллий ўйинлари, айниқса, сабантўйларидаги кураш мусобақасига жуда ўхшаб кетар экан. Қисқа муддат ичида бу кураш усули, тартиб қоидалари билан танишиб олдим. Ўз вазн тоифамда 10 дан зиёд курашчилар ичида ғолиб чиққанлигимдан, халқаро турнирнинг илк чемпиони бўлганлигимдан фахрланаман. Ўйлайманки, белбоғли кураш тез орада бутун дунёда эътибор топади.

**Н. СОБИРОВ.**

# ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мавжуд солиқ тизимининг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш зарурлигини таъкидлади.

Мазкур семинар-ўқиш бу вазифани бажариш борасидаги қадамлардан биридир.

Тадбир иштирокчилари Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси етакчи мутахассисларининг бу борадаги маърузаларини тинглади.

Семинар-ўқишда "Давлат бюджети шаклланиши ва ижросининг умумий тамойиллари", "Маҳаллий бюджетларнинг тузилиш тартиби", "Бюджетлараро муносабатлар: уларнинг бошқарилиши, ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш йўллари" каби қатор маърузалар қизғин муҳокама этилди.

Журналистлар соҳа мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган жуда кўплаб саволларга жавоблар олди.

Машғулотда иқтисодий мавзуларни ёритишга бел боғлаган барча журналистлар ҳам бу борада замон талаби даражасида тушунча ва тасаввурга эга эмаслигини, кенг оммага муайян мавзуни тушунтириб, таҳлил этиб беришга чоғланган кишиларнинг ўзлари билим ва тажрибасини бойитиши, мураккаб иқтисодий масалаларни тўғри ва холис ёритиш кўникмаларини пухта эгаллаши зарурлигини кўрсатди.

**(ЎзА).**

*Августнинг жазирама иссиқ кунларидан бирида Хўжахайрон қишлоғида бўлдик. Бу — Касби туманидаги қадимий ва катта қишлоқлардан бири. Аҳолиси ўн икки минг кишидан ошади. Қишлоққа кираверишда ўнг томонда аралаш моллар савдо дўкони кўзга ташланади.*

Шонли 11 йил: Мустақиллик миллионерлари

# Қандай бойиб кетиш мумкин?

## Бу саволга Қашқадарёнинг бир қишлоғида жавоб топдик

— Дўкон Ғайбулла бойга қарашли, — деди шу қишлоқда яшайдиган танишим.

Сал юргач, чапдаги кўчага бурилдик. Ўнг томонда икки қаватли «Гўзаллик салони» қад ростлаб турибди. Ичкари кирдик. Бу ерда ёш йигит-қизларга, айниқса, келин-куёвларга зарур бўлган ҳамма нарса бор.

— Буни Ғайбулла бой шу йил қуриб ишга туширди, — деди ҳамроҳим изоҳ бериб.

Икки юз-уч юз қадам юриб яна бир ҳашаматли бинога дуч келдик.

— Бу ҳам Ғайбулла бойники, — деди у ва сўзида давом этди: — Ичида сартарошхонаси, дорихонаси, суратхонаси ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

Ёнгинасида ҳатто музқаймоқ цехи ҳам бор экан. Бу ерда Ғайбулла бойнинг ўғли бизни музқаймоқ билан сийлади. Тошкентдаги музқаймоқдан фарқи йўқ.

Ташқарига чиққан эдик, кўчадан трактор ўтиб кетди.

— МТС — 80, Ғайбулла бой икки миллионга сотиб олган, рулда ўтирган ўғли, бойнинг яна битта трактори бор. — Шеригим шундай деб унинг орқасидан ҳавас билан қараб қолди.

Яна бир неча юз метр юриб, чиройли қилиб қурилган янги узун оқ бино олдидан чиқдик. Ҳамроҳим қўли билан кўрсатиб деди:

— Ғайбулла бойнинг уйи!

Мен қишлоқни шаҳарга айлантирган бойни кўришга ошиқардим. Эшикка ўрнатилган қўнғироқ тугмачасини босдим. Бир зумда эшик очилиб, етмиш ёшлардаги ўрта бўйли қошлари қалин қария чиқиб келди.

— Ассалому алайкум!

— Ва алайкум ассалом, қани, қани меҳмонлар ичкарига марҳамат!..

Ҳамроҳим у билан қучоқлашиб кўришди. Ғайбулла бой танимаса ҳам мен билан қадрдонлардек саломлашди. Мезбоннинг таклифи билан ичкарига кирдик.

— Тошкентдан келадиган ҳар бир меҳмон биз учун азиз. Бироқ одамларнинг турмуш даражасини юксалтиришда Хўжахайроннинг Тошкентдан кам жойи йўқ, — деди Ғайбулла бой дастурхон атрофидаги суҳбат пайтида.

Эриш туюлса ҳам савол бердим:

— Нега сизни Ғайбулла бой дейишади ёки ҳужжатингизда шундай ёзилганми?

— Ҳужжатимда «Ғайбулла» деб ёзилган. Мустақилликгача мени шунчаки Ғайбулла дейишарди. Уч хонали эски пахса уйда турардим ва бир сигир-у учта қўйдан бошқа ҳеч нарсам йўқ эди. Ҳозир эса замонавий қилиб қурилган ўн хонали янги уйим, бўрдоқига боқаётган ўн бешта буқам, соғин сигирларим, қирқта қўйим, енгил машинам, дўконларим, хизмат шахобчаларим бор. Буларнинг ҳаммасига мустақилликдан кейин эришдим ва қишлоқда Ғайбулла бой деган ном олдим, Илоё «бой» деган ном барчага насиб қилсин.

Шундай деб Ғайбулла ака бир воқеани эслади.

— Мен сизга чорвага қирон келтирилган олтмишинчи йилларни эслатиб ўтирмайман, дейди у. — Хабарингиз бор, ҳатто саксонинчи йилларда ҳам одамлар бойиб кетмасин деб кўп чеклашлар қилишди. Бир куни яхши ният билан улғайтириб кўпайтириш мақсадида той сотиб олдим. Орадан бир ҳафта ўтмай, мени селсоветга чақиришди ва той боқишга рухсат йўқлигини айтишди. Кейин билсам, бу тўғрида ҳукуматнинг қарори бор экан. Ҳозир эса бешта отим бор. Уларни яна кўпайтирмоқчиман. Шу пайтгача бирорта одам «Нега от боқяпсан?» деб эшигимга келгани йўқ.

— Меҳмон, мана бу асалнинг мазасини бир татиб кўринг-а, бозорникидан бутунлай фарқ қилади, — Ғайбулла ака илтифот кўрсатар экан, изоҳ беради: — Бу йил асаларичиликни йўлга қўйиб ютқазмадим. Уч-тўрт ойда эллик кило асал олдим. Энди бу соҳага эътиборни кучайтирмоқчиман. Умуман, дастурхонимизда бозорнинг нарсаси йўқ. Мана бу мева-чева, қовун-тарвуз, ширинлик-у, шарбатлар, ҳатто мана бу қўлбола парварда ҳам ўзимизники.

Оиладаги тўкинчиликка ҳавасингиз келади. Бунинг сабабчиси ҳалол ва тинимсиз меҳнат. Ғайбулла ака совет даврида оғир меҳнат қилди — бульдозерчи, скреперчи, шофёр бўлиб ишлади, фермада хизмат қилди, бироқ меҳнатига яраша ҳақ олмади, бир амаллаб тирикчилик ўтказди, бири икки бўлмади. Социалистик тузум унинг бойиб кетишига йўл қўймади. Беш ўғил ва бир қизни бир амаллаб вояга етказди.

Ҳозир Қашқадарё вилояти, Касби туманидаги Шароф Рашидов номли ширкат хўжалиги маркази — Хўжахайрон қишлоғида Ғайбулла Худойбердиевнинг нафақат бойлигига, балки фарзандларига ҳам ҳавас қилмаган одамнинг ўзи йўқ. Каттаси Нарзулла Муборакда МТП бошлиғининг ўринбосари, кейингиси Насрулло бу ерда ферма хизматчиси, Абдураҳмон эса Баҳористонда фермер, Шавкат билан Шамсиддин Абдураҳмоннинг ёрдамчилари. Ҳаммаси Ғайбулла аканинг қўлқанотлари. Отаникидан ташқари яна ҳар қайсисининг ҳовлиси молга, омбори донга, боғи болга тўлган. Улар далада пахта, дон, беда, полиз маҳсулотлари ҳам етиштирадилар.

— Болаларим олдимга маслаҳатга келиб туришади, — дейди Ғайбулла ака. — Ҳар сафар ҳар биридан «молинг тинчми» деб сўрайман. Боғи, даладаги экини билан қизиқаман. Келинларим жуда меҳнаткаш. Невараларим ҳам шу руҳда тарбияланяпти. Қишлоғимизда шундай оилалар ҳам борки, фарзандлари куни билан телевизор кўришади ёки кўча-кўйда дайдишади, катталари эса бекорчиликдан зерикиб бир жойга тўпланиб қолишса, Ғайбулла бойни ёки бошқаларни иғво қилишади. Биз тўқ ва бадавлат яшаётган бўлсак, бунга фақат ҳалол меҳнатимиз туфайли эришяпмиз. Буни меҳнатнинг орқасидан кун кўраётган қишлоғимизнинг аксарият одамлари кўриб-билиб туришибди.

— Бир йиллик даромадингиз қанча? — сўрайман Ғайбулла акадан.

У кулиб жавоб беради:

— Бир неча миллион, майдалаштириб санаб ўтирмайман. Аниқ ҳисобини ҳар йили даромад солиғини тўлаганимда биламан. Бундан ташқари ерга, сувга, экологияга солиқ тўлайман. Йигирмата кам таъминланган оилага оталиқ қилишни ўз зиммамга олганман. Даромадимга қараб уларга ёрдам бериб турибман. Бараканинг калити меҳр-мурувватда. Битта-яримтасини ҳисобга олмаганда, қишлоғимиз одамлари бир оиланинг аъзоларидай бир-бирларига меҳр-оқибатли.

Ғайбулла ака бизни бўрдоқига боқилаётган буқаларни кўришга таклиф қилди.

— Меҳмон, буқаларимни кўриб, оқ даромадимни ўзингиз ҳисоб-китоб қилаверасиз, — деди у.

Биз ҳам териси йилтиллаб турган ўн бешта буқани кўрдигу у ёғини майдалаштириб ўтирмадик. Энг муҳими, ҳалол меҳнатдан келган бойлик туфайли турмушнинг чиройлик бўлганлигини кўрдик.

**Иброҳим НОРМАТОВ.**



# ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ ТАРАДДУДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

халқ артисти Гавҳар Матёқубова раҳбарлигидаги хоразмлик қизларнинг шодон кулгилари майдон узра янграйди. Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов атрофидаги аскиячилар, санъат усталари, ҳаваскорларнинг, майдонда байрам шодиёналарига тайёргарлик кўраётганларнинг дилидаги, тилидаги тилаги битта: Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

*Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида Қарши шаҳрининг Боғишамол маҳалласида компьютер технологияси коллежи қуриб битказилган, қурилиши тугалланмаган мактаб ростланган эди. Уни «Ўзсантехгазмонтажқурилиш» акционерлик компаниясининг Қашқадарё вилоят бошқармаси қурувчилари қуришганди. Ўшанда бунга биров ишонди, биров ишонмади. Аммо бу бўлган гап эди. Ана шу рекорд бу йил янгиланди. Мазкур бошқарма қурувчилари Косон туманидаги «Гувалак» хўжалигида 600 ўқувчига мўлжалланган ўқув корпуси ва 50 ўринли ётоқхонаси бор коллежни уч ойда қуриб битказишяпти.*

# Уч ойда битаётган коллеж

Уч ойда эски касб-ҳунар мактаби биносини реконструкция қилиб, янгидан ўқув корпуслари, спорт зали, сузиш бассейни ва бошқа бир қатор биноларни қуришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун катта куч, маҳорат керак.

— Гувалак қишлоғидаги коллеж қурилишини, — дейди бошқарма бошлиғи Раҳматилла Менгliқулов, — 25 майда бошлаганмиз. Лойиҳа бўйича уни етти ойда туғаллашимиз керак эди. Биз эса уч ойда туғаллаймиз. Шунинг учун смета қиймати 644 миллион сўмдан ошмайди. Аксинча беш-ўн миллион сўмни тежаб қоламиз ҳам.

Қурувчилардан бири Жуманазар Эшмаматовнинг айтишича, ҳар ойда 60-65 минг сўм қўлига оларкан. Участка бошлиғи Равшан Ғаниев ҳам бу гапга қўшимча қилиб «мукофот бунга кирмайди» деди.

— Канализация, электр тармоқларини ўтказишдан тортиб, том ёпиш, қозонни ясаш ва қозонхонани ишга тушириш — барисини ўзимизнинг қурувчиларимиз бажаришади, — дейди Раҳматилла Менгliқулов. — Масалан, иситиш қозонини четдан олиб келсак, 19 миллион сўм кетарди. Ўзимиз ясаганимиз учун 15 миллион сўм сарфланди. Эшик-деразалар усталари ҳам ўзимиздан. Мармар ётқизишга ҳам четдан одам ёлламаймиз.

— Тендерда Раҳматилла Менгliқулов бошлиқ қурувчилар ютиб чиқишини жудаям хоҳлагандим, — дейди коллеж директори Сайфулла Расулов. — Негаки, булар қилган ишни бошқалар қилишолмайди.

Сайфулла Расулов ҳам коллеж қурилишида бошдан-оёқ бир тан аралашиб келмоқда. Қурувчилар ишидан доим кўз-қулоқ. Ҳамма иш лойиҳадагидай бўлишини талаб қилади.

— Мана бу спорт зали, — дейди у. — Бу ёндаги кураш зали, теннис корти, волейбол, баскетбол майдончалари, сузиш бассейни — бари бор.

— Стадионни кўраяпсизми? Ям-яшил. Қирдан чим келтириб босилди. Бошқа жойда бундай ўйингоҳ йўқ, — таъкидлайди у.

«Адашмасам, бу маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи-я», сўрайман ундан.

— Тўғри, — жилмаяди у. — Лекин бошқа ниятларимиз ҳам йўқ эмас-да. Биласиз мен полвонман. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устасиман. Кураш бўйича халқаро тоифадаги ҳакамман. Шунинг учун бу коллежни «Олимпия заҳиралари» коллежига айлантирсак, деган фикрим бор. Агар шу ниятимиз амалга ошиб қолса, бу ердан жаҳонга машҳур спортчилар етишиб чиқиши аниқ. Мен сизга айтсам, — деб гапида давом этади у. — Ўзбекистондаги дзюдо терма командасининг 90 фоиз қизлари шу қишлоқда яшайди, шу коллежда ўқийди. Айтмоқчиманки, спортга иштиёқ зўр. Коллежда эса спорт билан шуғулланиш учун ҳамма шароит яратилмоқда. Худо хоҳласа, у тез кунда ниҳоясига етади.

Нафсиламбирини айтганда, коллежлар қурилишида аҳволнинг қониқарсизлиги Президентимиз томонидан ўз вақтида айтилди. Гап аҳволни ўнглашда. Ўнглаш учун «Ўзсантехгазмонтажқурилиш» акционерлик компанияси Қашқадарё вилоят бошқармаси қурувчиларидек ишлаш керак.

**Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЖАР ЁҚАСИДА

## турган корхоналарни ҳалокатдан ким қутқаради?

Шу боис у ҳамон вилоятдаги мулк шакли тўла давлат тасарруфида бўлган бармоқ билан санали корхоналар қаторида турибди. Бир вақтлар 50 га яқин троллейбус ҳар куни йўналишларга чиқиб турган бўлса, бугун ишга яроқли машиналарнинг ярмигина ҳисобда қолди. 25 та троллейбусдан бор-йўғи 7-8 тасигина йўналишларга чиқариляпти.

Шу йилнинг дастлабки чорагида эса корхона тамоман тўхтаб қолди. 3 ой мобайнида бирорта ҳам троллейбус йўналишларга чиқарилмади. Корхона раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, бу ҳолатни йўналишдаги кабель симларини таъмирлаш учун вақтинча тўхташ бўлди, деб хаспўшлашга ҳаракат қилишади. Аслида-чи? Сўнгги йилларда паркни янги троллейбуслар билан таъминлашга умуман эътибор берилгани йўқ. 10-15 йилдан бери ишлаётган троллейбусларнинг эса шалоғи чиқиб кетган. Кўпинча йўналишга чиқибоқ, таъмирлаш бригадасини чақиришга тўғри келади. Троллейбусларнинг ички салонларини эса сўз билан ифодалаш қийин. Ўриндиқлар йўқ, борига ҳам латта-путтадан амал-тақал қилиб ғилофлар тикилган. Баъзи бир троллейбусларнинг эса поли тушиб кетган. Оёқ босишга йўловчининг юраги дов бермайди.

Мана шундай ҳолатда ким ҳам троллейбусда юришни хоҳлайди? Бу эса ўз-ўзидан корхонани иқтисодий буҳрон ёқасига олиб келиб қўймоқда. Агар шу йилнинг биринчи чорагида корхона бир миллион сўмдан ортиқ зарар кўрган бўлса, ярим йилликда бу кўрсаткич тенг баравар ортиб, 2 миллион 239 минг сўмга етди. Корхонанинг кредиторлик қарзлари ҳам кўпайса кўпаяяптики, асло камайгани йўқ. Ахир ярим йил давомида хизмат кўрсатишдан бор-йўғи 365 минг сўм тушумга эга бўлган корхона қачон оёққа туради-ю, қачон иқтисодиётни ўнглаб олади?

Ҳолбуки, шаҳарнинг «Қир гули» мавзеидаги ҳайҳотдек парк сурункасига зарар кўриб ишлаётган корхона ихтиёрига бериб қўйилган. Бу ердаги техник таъмирлаш биноларига чет элликларнинг ҳам ҳаваси келиши мумкин. Лекин гап шундаки, корхонага бирор-бир сармоядорни чет эллик инвесторни жалб қилишдан раҳбарлар чўчийди. Чунки, Юртбошимиз биз юқорида тилга олган мажлисда таъкидлаганидек, «ўзим фойдаланмасам ҳам, бошқага бермайман» деб, оёқни тираб оладиган эскича раҳбарлар ўз ўриндиқларига маҳкам ўрнашиб олган.

Худди шундай аянчли аҳволни Фарғона туманидаги 26-автокорхонада ҳам кузатиш мумкин. Қирлар бағрида жойлашган бу мўъжазгина корхонада дебиторлик қарзлари ярим йилда 47,5 миллион сўмга етиб қолди. Қарзнинг шаклланишининг асосий сабаби битта: кўрсатилган хизматлар эвазига олинадиган маблағларни ундириш масаласи билан бирор-бир киши жиддийроқ шуғулланмаган. Биргина бюджет, пенсия, йўл фондидан бўлган қарзлар 15 миллион сўмдан ортиб кетган. Бу қарзларнинг аксарият қисми 6 ой, бир йилдан бери тўланмайди, турли хил назорат органларининг корхона раҳбариятига қилган мурожаатлари зое кетди. Энди эса жамоа иқтисодий ночор корхоналар сафидан ўрин олишга мажбур бўлади.

Ачинарлиси, корхоналарни иқтисодий буҳрон ёқасига олиб келиб қўйган раҳбарлар вилоятдаги бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида ва тизимларида ҳам учраб турибди. Шу йил Бешариқ туманидаги «Бештекс» ҳиссадорлик жамияти ўзининг 20 йиллигини нишонлаши лозим. Одатда бундай саналарга тўёна билан борилади. Корхонанинг «тўёна»си эса аниқ бўлиб қолди: корхонанинг муддати ярим йилдан ошган қарзлари 62 миллион сўмдан ортиб кетди.

Бир пайтлар мазкур корхонада 600 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилган. Бугунга келиб эса, корхонанинг қайта таъмирланиши, қўшма корхона бунёд этилиши муносабати билан ишчилар вақтинчалик таътилга чиқариб юборилди. Ҳозир бор-йўғи 100 га яқин ишчи, меҳнат қиляпти, холос. Қўшма корхона ташкил қилиш — хайрли иш, албатта. Янги, замонавий, жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқарилди. Лекин Юртбошимизнинг бундан бир неча йил аввал айтган, бир ҳикматли гаплари бор: «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузма». Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриш керак эди. Чунки жамоа қўшма корхонага мулкий улуш сифатида ўз ҳиссасини қўшмоқда. Қарзга ботиб туриб эса, мулкий улуш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини чет эллик сармоядорлар ҳам жуда яхши билишади.

Иқтисодий буҳрон ёқасига келиб қолган бу корхоналарни тезда давлат тасарруфидан чиқариш, уни ҳақиқий мулк эгаларига топшириш чоралари кўрилмаса, аттанг, деб қолиш ҳеч гап эмас.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи»нинг ўз мухбири.**

Янги замон одамлари

*Умр дегани югурик дарё экан. Ерга урсалар, кўкка сапчигувчи Диloромнинг ёшлиги чўл бағрида, қум барханлари орасида ширин тушдай ўтди-кетди. У илк бор Марказий Фарғона кенгликларига келганида, сочлари тақимини ўпган, кулгилари пахта гулли жонон пиёланинг жарангидай тиниқ қиз эди. Рўмолини чамбар қилиб ўраганча оёқларини куйдириб-куйдириб далама-дала юрар, симёғоч учига ин қурган лайлакларнинг ўзига хос қийқириқларига ажабсиниб қулоқ тутар, қоқ туш пайтида кўкда бир нуқтада қимир этмай туриб қолган тўрғай ғамзаларини жон деб тингларди.*



# Дилором ва унинг издошлари

Айниқса, у чўл оқшомларини хуш кўрарди. Банд берган шакарпалак қовунлар тарс-тарс ёрилар, атроф тилими тилни ёргудай оби новвотнинг ҳидига тўлар, ҳув нарида азим сир сирли шовуллар, олис-олисларда бедана босиб-босиб сайрар, кўкда эса тўлин ой булутлар билан бекинмачоқ ўйнарди.

Бир йилда икки, ҳатто уч марта ҳосил оладиган миришкорларни шу ерда учратди. Кўнгли мевалари болга тўлиқ боғларда қолди. Ўзи ҳам ерга уруғ қадади. Тупроқ кечиб, шўр кечиб, ғўза ўстирди. Пахтаси бодроқ-бодроқ бўлди. Хирмонларига барака инди. Тошкентлик келиннинг абжирлиги, меҳнатга ўчлиги, хушмуомалалиги катта-ю кичикнинг назарига тушди. Дилором хўжалик бошқаруви раисининг маданий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

— Аёллар одатда ўсмани хуш кўришади, — суҳбатга қўр ташлади ижарачи Равшан Неъматов, — Дилоромхон бўлса гул ишқибози. Мабодо оқ қорнинг тагида чиройли гул ўсаркан, дейишса борми, ўша ерга бориб, ўша гулнинг уруғини ёки кўчатини олиб келади.

Очерк

— Уйларимиз олдига мол боғлаб қўярдик, — дея хотирлайди Мавлудахон Нурматова. — Бу қиз келди-ю, халоватимиз «бузилди». Ҳайвонларни ҳовли четига силжитдик. Уйимизнинг битта хонасини болаларимиз учун ажратиб бердик. Хонадонларимизга газ, сув кириб келди.

— Қушда тиним бўлса борки, онамда тиним йўқ, - беозор ўпкаланди Дилбархон. — Ҳаммамизни ишлатгани-ишлатган. Ҳар бир ҳовлининг гулзори бўлсин, дейди. Ўша гулзорда атиргулдан тортиб намозшомгулгача, райҳондан тортиб гултожихўрозгача яшнаб турсин, дейди.

— Дилоромхоннинг битта нуқсони бор, — гап қистиради кимдир. — Уям бўлса, чўрткесарлиги. Ноҳақликларни-ку сингдиролмайди. Вақтида этагини ёпиб олмаганларни аяб ҳам ўтирмайди. Бир куни собиқ ҳокимимизнинг топшириғи билан биз, фаоллар идорага тўпландик. Раисни ишдан олиб ўрнига бошқасини сайлашимиз керак экан. Масала ҳал бўлиб, энди ўрнимиздан қўзғалган эдик, Дилоромхон сўз сўраб қолди.

— Тўғрисини гапирсам аввалги раисимиз ёмон ишламади, — деди у. — Қуввати нимага етса, ўшани қилди. Бироқ қийналди. Чўл — чўлда, ахир. Биз ҳозир ўша одамнинг ишидан кўнглимиз тўлмай, янгисини сайлаяпмиз. Энди ўзимизга ўзимиз савол берайлик: янги раҳбар бошимизни бир ерга қовуштира оладими, депсиниб қолган аравани торта биладими?..

— Сиз айтган ҳамма хислатлар шу одамда бор, — гапни қисқа қилди ҳоким. — Шу киши билан ишлайсизлар, вассалом.

— Охири бахайр бўлсинда ишқилиб, — адоқсиз ўйлар гирдобида ўз ёғига ўзи қовурилди Дилором. — Йўқса, шунча йиллар қилган меҳнатимиз чиппакка чиқадия....

Одамлар бор, ариқ қазиб, сув етаклайди. Йўл қуриб, кўприк солади. Одамлар бор, борининям йўқ қилади. Амалга миндими, ўзидан аввал раҳбарлик қилган кишининг ишидан хато ахтаради. Ҳамма нарсани бир чеккадан янгилашга тушади. Бинойидай ишлаб турган мутахассисларни четлаштириб, ўзига қарашлиларни олиб келади.

Янги раис эртаси куниёқ бош ҳисобчи Анорбой акани ишдан олди. Ҳисоб-китоб ишларининг жиловини туман дон маҳсулотлари корхонасини илиги қоқиб олинган суякка айлантирган кимсага топширди. Ўзини йўқлаб келувчиларга маишатлар уюштирди. Одамлар билдики, янги раҳбарни хўжалик ишларидан кўра кўпроқ дабдаба, шаънига айтилган мақтовлар қизиқтиради.

Хўжалик иқтисодиёти дарз кетиб, нурай бошлади. Барака кўтарилди. Мавсумий ишлаш учун келганлар чопонларини елкаларига ташлаб бошқа томонларга йўл солдилар. Чўлни ватан тутганлар эса ўзлари туғилиб ўсган сўлим қишлоқларга қайтиб кетишни ор билдилар. Бунга ғурур йўл қўймади. Ҳабибулла Жумаев, Каримжон Олимов сингари бир умр чўлга боғланиб қолганларни ҳеч ким шаштидан қайтаролмади.

Раис чўл шамолида чайқалиб-чайқалиб кўкка бўй чўзган теракларни қийратиб кесдирди. Уйига олиб кетди. Чорва моллари сийраклаша бошлади.

Чўлда яшаётганлар ҳовлиларини девор билан камдан-кам ўрайдилар. Уларнинг дарвозалари қулф кўрмайди. Бироқ ўғри ораламайди. Қўли қинғирлар эса омонлик топмайди. Шундай бўлса-да, хўжалик идорасидаги қимматбаҳо нарсалар сирли равишда биринкетин ғойиб бўла бошлади.

— «Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга солодир», деган гап бор, раис бова, — гапни узоқдан бошлади сабр косаси тўлган Дилором. — Мабодо, нафсимиз қулига айланиб қолмаяпмизми?

Андишанинг отини қўрқоқ фаҳмлаган раис Дилоромнинг босиқлик билан, аммо қатъий қилиб айтган сўзларидан бир қалқиб тушди. Коса тагида нимкоса борлигидан рангидан қон қочди. Важоҳати ўзгарди.

— Нима демоқчисиз?

— Хафа бўлиб, оғир олманг-у, ташмачилик авж олди. Кетма-кет ўғирликлар бўляпти. Кўриб туриб, кўрмасликка оляпсиз.

Келиб-келиб ўз муовини, бунинг устига аёл киши ҳокимнинг ўз одамини ўсал қилса-я?! Бу қандай бедодлик! Йўқ, бўш келиб бўлмайди.

— Раҳбар ҳалол-пок бўлади, назари тўқ бўлади. Виждон билан жиғилдонни фарқлай билади, — узиб-узиб олди Дилором.

Атрофидагиларнинг мақтовларига мазахўрак бўлиб қолган, ўзини хон, кўланкасини майдон билган раис Дилоромхоннинг таъна-дашномларини «ҳазм» қилолмади.

— Ҳали шунақами? — истеҳзо билан тиржайди раис. — Ўйнашмагин арбоб билан, дейдилар, синглим!.

Раис бир сўзли экан. Йигирма йил атрофида чўл қумликларига меҳнати сингган, ўзига ўхшаш фидойиларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб яшаган муовинни бир зарб билан «учириб» ташлади.

Дилором ҳақиқат эгилиббукилишини, аммо синмаслигини яхши билар эди. Раис айтган, хаёл қилган замонлар аллақачон ўтиб кетганини, ҳар қадамда ҳақиқат, адолат бўй кўрсатаётганини тушунарди. У ғайриқонуний ишларга қарши бош кўтарди. Олти ойдан ортиқ давом этган олишувда адолат тантана қилди.

— Раиснинг тақдири нима бўлди?

Дилоромнинг қорамағиз юзларидаги табассум ўрнини жиддийлик қоплади. Ҳозиргина чақнаб турган тим қора кўзлари маъюсланди.

— У «собиқ»қа айланди, — хушламайгина сўзлади Дилором. — Қўйинглар, ўшалар ҳақида гаплашмайлик. Ҳаммаси ўтди-кетди.

Дилором қирғоқларга бош уриб тўлиб-тошиб оқаётган Сирдарёнинг нариги соҳилларига кўз тикади. Хаёлларга эрк беради. Эҳтимол, у шу лаҳзаларда устози, пахтачилик илмининг алломаси Турдихон ая Сатторова билан кечган дамларини кўз олдидан ўтказаётгандир? Ёки қулоқ сифатида олис Украинага сургун қилинган, кейинчалик Тошкент вилоятининг Зафар шаҳарчасида қўним топган дадаси, етти қиз, уч ўғилни оқ ювиб, оқ тараган онаси билан хаёлан суҳбатлашаётгандир? Ҳаётнинг минг бир машаққатларидан, йиллар суронидан қадди дол бўлган ота-она нима қилиб бўлса-да, Дилоромни олти опа-сингилни ўқитди. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли тиббиёт ходимлари бўлди, Дилором эса Андижон қишлоқ хўжалик институтини битирди. Унинг бахти ҳам, тахти ҳам чўлда экан. Тўйлари шу ерда ўтди.

Чўлнинг сулув келинига айланди.

Улуғнор тумани ҳокими ўринбосари Абдусаттор аканинг ярим ҳазил, ярим чин сўзларидан сўнг асов Сирнинг ўркач-ўркач тўлқинлари Дилоромнинг тутқич бермас хаёлларини ўзлари билан олиб кетди...

— Дилором Раззоқова нафақат ташкилотчи, ташаббускор раҳбар, айни дамда «Дўстлик» ширкат хўжалигимизнинг олд фермери ҳам. У ўтган йили 18 гектар майдонда пахта етиштириб ўттиз центнердан ҳосил олди. Ўн икки гектар ердаги буғдой ҳосилдорлиги етмишдан кам бўлгани йўқ.

Айтгандай, Дилором фермерлик ҳаракатининг илк қалдирғочларидан. Ҳеч бир йил йўққи, шартнома режасини ортиғи билан бажармаган бўлсин. У ўз синглиси Дилбархон Раззоқова, сувчи Равшан Неъматов, теримчи Мавлуда Нурматоваларга суянади. Улар эса Дилоромхонга.

Қут-барака ҳамжиҳатлик, аҳиллик макон топган ерга ёғилар экан. Ўтган йили тўртовлон соф етти миллион сўм даромад топишди. Омборларига икки миллион сўмлик ун кириб келди. Дилором маҳалласидагиларга уч тонна омихта ем, икки тонна кунжарани бепул тарқатди. Қанчалаб сомон, дағал хашак бу ҳисобга кирмайди.

Дилоромлар даласида бу йил ғалла ҳар қачонгидан мўл бўлди. Улар давлатга 32 тонна ўрнига 43 тонна дон топширдилар. Йиллик режа 141 фоиз адо этилди. Ўзларига эса эллик тонна дон тегди. Эллик тонна!

— Бунинг сири нимада, Дилоромхон?

— Сири жуда оддий: меҳрда. Экинни суғориш, озиқлантириш, ишлов бериш ўз йўлига. Агар унга меҳрингизни бермасангиз, кўзлаган натижага эришолмайсиз. Меҳрнинг ўрни бошқача бўлади.

Пахтазор оралаймиз. Бўлиқ кўсаклар барглар орасидан мўралайди. Улар элнинг ризқи, ҳур Ватан бойлиги, ифтихори ҳадемай, улар пиёладаги қаймоқдай чаноқлардан тошади. Теримчиларни шоширади. Унинг бир қисми эса қайта ишловчилар томонидан ўсимлик ёғи, шелуха, кунжара бўлиб қайтиб келади. «Қозон ҳам мой, чўмич ҳам» деганлари аслида шу эмасми?

— Ҳар гектар ердаги 80 центнердан дон йиғиштириб олдик, — пахтамиз ҳосилдорлиги қирқ центнердан кам бўлмайди, — дейди Дилором. — Бу бизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллигига совғамиз бўлади.

Яна бир гап. Тўрт-беш йил нарида Дилоромлар хўжалик техникаси, ўғитига қарам эди. Энди-чи? Уларнинг банкда миллионлаб сўм пули бор. Биргина «Андижонёғмой» корхонаси улардан тўрт тоннадан ортиқ ўсимлик ёғи, саккиз тонна шелуха, ўн тонна кунжара қарздир.

Одамлар миллионлаб сўм пулларини банкка қўйишяпти. Ўша одамлар ва яна улар ўз маблағлари ҳисоби болалар боғчалари, мактабларни таъмирлаб, ҳатто янги бинолар қуриб беряпти.

Дилором ва унинг издошлари мустақиллик йилларида тобланган бахти бекам янги замон одамларидир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Солиқ тизимида нима гап?

# Нафосат кўчаси 14-уйда...

Абдумажид Абдураҳимов бир пайтлар Наманган шаҳридаги С.Адашев кўча 10-уйда ип ишлаб чиқариш билан шуғулланиш учун қайд гувоҳномаси олган эди. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг эса фаолият тури ва ишлаш жойини ўзгартириб, ноқонуний фаолият кўрсатишга киришди. У Дўстлик кўчасида жойлашган «Темирйўлсавдо» акциядорлик жамиятига қарашли биноларнинг бирида тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмай оқ марли ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. Цехга 17 та тўқув дастгоҳи ўрнатди, ўғринча йўллар билан электр сими ва ичимлик сув қувурини тортиб келди.

Текшириш ўтказилган куни бу ерда 9925 метр ярим тайёр маҳсулот тоғдек уюлиб ётарди. Калькуляция қилинмаган 424 метр тайёр маҳсулот эса эгасини кутарди. Улар ёнидаги қутиларга 12,1 килограмм турли рангдаги иплар, 35 килограмм қолдиқ иплар жойланган эди. Уларни ёлланган 12 нафар аёл бошқарарди. Аёлларга иш ҳақи ноқонуний тўланар, ундан даромад солиғи ундириш эса ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Меҳнат шартномаси тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Йигирилаётган хилма-хил рангдаги ипларнинг бирорта ғалтаги ҳам давлат стандартларидан ўтмаганди.

Шарип Мамадалиев 2002 йил учун олган қайд гувоҳномасида унинг Наманган шаҳар Нафосат кўча 14-уйда ип маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиши ёзиб қўйилган эди. Лекин текширув давомида бу манзилда ип маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхонадан асар ҳам йўқлиги маълум бўлди. Унинг ўрнига «Темирйўлсавдо» акциядорлик жамиятига қарашли бинода яширин цех ташкил этиб ноқонуний фаолият олиб бораётганлиги аниқланди.

Текшириш ўтказилган куни ноқонуний цехда 3130 дона «10» рақамли ғалтак ип, 303 дона оқ ип бабинаси, 93 килограмм калава ип, жами 452 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди. Уларнинг бирортаси ҳам калькуляция қилинмаганди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китоби бўйича, яширин ип цехи ҳар ойда ўртача 1,6 миллион сўм даромад келтирарди. Даромаднинг асосий қисми Шарипнинг ҳамёнига тушиб кетарди.

Бинонинг яна бир хонаси салқин ичимликлар цехи учун ажратилган эди. Унда Наманган шаҳар С.Шерозий кўчаси 19 «а» уйда истиқомат қилувчи Раҳимжон Отажонов «Темирйўлсавдо» акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома асосида «Зилол» салқин ичимлигини қуйиб чиқариш учун рухсат олган бўлсада, лекин бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг савдо ёрлиғидан фойдаланиб маъданли сувлар қуйиб чиқаришга киришиб кетган эди. Текширув ўтказилган куни «Олтин водий» ва «Тошкент суви» ёрлиқлари елимланган ва калькуляция қилинмаган 33,7 минг сўмлик тайёр маҳсулот ўз харидорларини кутиб турарди. Лекин бу гал савдо бароридан келмади. Ноқонуний салқин ичимликлар сотувдан тўхтатилди.

Наманган шаҳар солиқ хизмати ходимлари ўтказаётган рейд ва текширувларнинг аксарияти Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга йўналтирилмоқда. Ўтган ойларда улар бу йўналишда 118 та қонунбузарлик ҳолатини аниқладилар. Шу жараёнда ноқонуний йўллар билан олиб келинган 6 миллион сўмликдан кўпроқ импорт маҳсулотлари олиб қўйилди. Ҳуқуқбузарлардан 48 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Умумий овқатланиш ва савдо шохобчаларида назорат касса машиналаридан фойдаланиш ва нақд пул маблағларини банк муассасаларига топширишнинг бориши ҳам солиқ хизмати ходимлари назоратига олинган. Яқинда 11 та умумий овқатланиш ва савдо шохобчалари қисқа муддатли текширувдан ўтказилди. Шу жараёнда 211,2 минг сўм савдо пули назорат касса машиналаридан ўтказилмаганлиги ва банк муассасаларига топширилмаганлиги маълум бўлди. «Сардоба» бозори ҳудудида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Баҳром Исабоев 17 минг 350 сўм, Уйчи кўчасида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Комил Собиржонов 17 минг 600 сўм савдо пулларини банкка топширмай бошқа мақсадларга сарфлаган эканлар. Булар бир кунлик тушум эди. Текшириш давомида бошқа кунларда ҳам савдо тушумини яшириш ҳолатлари бўлганлиги тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида солиқ хизмати ходимлари зиммасига яна ҳам масъулиятли вазифалар юклатилди. Наманган шаҳар солиқчилари қарор ижросини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни белгилаб олдилар ва шу асосда ҳаракат қилмоқдалар.

**Жасур НОСИРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бош мутахассиси.**

Ёз – ўтмоқда соз

*Болалик дунёси беғуборлиги билан гўзал, бетакрордир.- Бугун жаннатмонанд юртимизнинг сўлим оромгоҳларида мириқиб дам олаётган болакайларнинг қувончлари чексиз. Айниқса, оромгоҳларда ташкил этилаётган турли кечалар, кўрик-танловлар, ижодий учрашувлар уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларида қўл келмоқда.*

*Ана шундай тадбирлардан бири — "Ўзбекистон — менинг Ватаним" мавзуидаги кўчма расмлар кўрик-танлови Бўстонлиқ туманида жойлашган "Фазогир Гагарин" соғломлаштириш болалар оромгоҳида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг бадиий кўргазмалар дирекцияси ва "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси касаба уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу танловда 13-14 ёшли болалар иштирок этишди.*

*Икки босқичда ўтказилган ушбу танловда ўнлаб ғолиблар аниқланди. Жумладан, Р. Асадуллин, А. Парвозова, Н. Вохмянина, А. Қозоқбоевалар акварелда чизилган расмлар бўйича, Д. Ортиқов, У.Собиржонов, М. Тожибоев, Д. Самарова ва Д. Цойлар эса асфальтга расм чизиш бўйича ғолиб деб топилдилар. Ёш мусаввирлар чизган расмларда Ватанимиз қадамжолари, табиатнинг гўзал манзаралари, шунингдек эртак қаҳрамонлари сувратлари акс эттирилган.*

*Кўрик-танлов иштирокчилари ва ғолиблари ташкилотчиларнинг махсус дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.*

**Саида ИЛҲОМОВА,**
**санъатшунос.**





СУРАТЛАРДА: кўрик-танлов иштирокчилари акс эттирилган.

ҲИКМАТ

*Ҳар кимки дилозордир,*
*Ҳаёти оху зордир.*

# "АХБОР - РЕЙТИНГ"

БАНКЛАРАРО РЕЙТИНГ КОМПАНИЯСИ

**2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистон тижорат банклари фаолияти рейтинг баҳоларини маълум қилади.**

Ўзбекистон тижорат банкларининг якуний абсолют рейтинглари

| Ранг | Банк | Балл |
|---|---|---|
| 1. | «Ўзмиллийбанк» | 97,89 |
| 2. | «Асака» банки | 97,65 |
| 3. | «Пахта-банк» | 89,76 |
| 4. | «Ўзуйжойжамғармабанк» | 80,95 |
| 5. | «Ўзсаноатқурилишбанк» | 79,63 |
| 6. | «Халқ банки» | 68,37 |
| 7. | «Ғаллабанк» | 66,04 |
| 8. | «УТ-банк» | 51,83 |
| 9. | «Авиабанк» | 48,84 |
| 10. | «Савдогарбанк» | 44,89 |
| 11. | «Ҳамкорбанк» | 43,30 |
| 12. | «Алоқабанк» | 43,17 |
| 13. | «Ўтадбиркорбанк» | 41,15 |
| 14. | «Ипак йўли» банки | 40,71 |
| 15. | «Алп Жамол банк» | 31,75 |
| 16. | «Замин» банки | 30,82 |
| 17. | «Туронбанк» | 28,28 |
| 18. | «Парвинабанк» | 25,68 |
| 19. | «Карвонбанк» | 24,09 |
| 20. | «Туркистон» банки | 2,45 |
| 21. | «Истиқболбанк» | 2,18 |

Ўзбекистон тижорат банклари айрим гуруҳларининг якуний рейтинглари

ЙИРИК БАНКЛАР

| Ранг | Банк | Баллар бўйича баҳо | |
|---|---|---|---|
| | | 30.06.2001 | 30.06.2002 |
| 1. | «Ўзмиллийбанк» | 86,83 | 94,81 |
| 2. | «Асака» банки | 79,46 | 93,94 |
| 3. | «Пахта-банк» | 60,92 | 67,62 |
| 4. | «Ўзуйжойжамғармабанк» | 29,75 | 44,59 |
| 5. | «Ўзсаноатқурилишбанки» | 35,11 | 41,65 |
| 6. | «Халқ банки» | 9,33 | 21,50 |
| 7. | «Ғаллабанк» | 6,68 | 18,33 |

*Гуруҳда балларнинг ўртача ўсиши 10.6*

ЎРТАЧА БАНКЛАР

| Ранг | Банк | Баллар бўйича баҳо | |
|---|---|---|---|
| | | 30.06.2001 | 30.06.2002 |
| 1. | «УТ-банк» | 42,07 | 97,03 |
| 2. | «Авиабанк» | 72,66 | 93,50 |
| 3. | «Савдогарбанк» | 64,54 | 85,42 |
| 4. | «Ҳамкорбанк» | 21,79 | 81,02 |
| 5. | «Алоқабанк» | 34,65 | 80,65 |
| 6. | «Ўзтадбиркорбанк» | 18,01 | 74,13 |
| 7. | «Ипак йўли» банки | 15,64 | 72,59 |
| 8. | «Замин» банки | 9,83 | 32,25 |
| 9. | «Туронбанк» | 7,58 | 22,41 |
| 10. | «Парвинабанк» | *) | 13,84 |

*Гуруҳда балларнинг ўртача ўсиши 35.2*

КИЧИК БАНКЛАР

| Ранг | Банк | Баллар бўйича баҳо | |
|---|---|---|---|
| | | 30.06.2001 | 30.06.2002 |
| 1. | «Алп Жамол банк» | 66,15 | 87,39 |
| 2. | «Карвонбанк» | 78,86 | 80,96 |
| 3. | «Туркистон» банки | 3,20 | 36,23 |
| 4. | «Истиқболбанк» | 23,24 | 34,54 |

*Гуруҳда балларнинг ўртача ўсиши 16.9*

6189/1796

САВОЛ БИЗДАН...

Бельгияда давлат тили қайси тил?

Ўтган сонда берилган саволнинг жавоби: *Формоза.*

136-35-60

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «BARAKA-HUTUQ» масъулияти чекланган жамияти тугатилади, ОКПО коди 16640256. Барча даъво ва эътирозлар эълон чоп этилгандан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Телефон: 74-36-19.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Музрабжон Жабборовга волидаи муҳтарамаси

**Очилой ая ТОШБОЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎзФА «Замонавий информацион технологиялари» Илмий-техникавий маркази жамоаси «Ўзбекнефтгаз» МХК бошқаруви раисининг ўринбосари Олимжон Зокировга волидаи муҳтарамаси

**УМРИНИСО ая ва умр йўлдоши ТУРСУНОЙ опанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси жамоаси ишлар бошқарувчиси Бахтиёр Тожиевга опаси

**Ёқут АБДУЛЛАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абў Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ректорати ва жамоаси «Умумий кимё» кафедраси доценти

**Қобилжон СОДИҚОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясининг меҳнат жамоаси компания бошқаруви раисининг ўринбосари Олимжон Зокировга онаси

**УМРИНИСО аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 777, 27606 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — М. ҲОЛМАТОВА.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.45.*
1 2 3 4 5 6